



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 8-oktabr, seshanba * № 35 (1147)

МАКТАБДА БОЛАЛАР ЖАНЖАЛЛАШСА...



Ёшларда ўзини кўрсатишга мойиллик кучли. Бу турли кўринишда юзага чиқмоқда. Бугун кўча-кўйда урушаётган йиғит-қизларни тасвирга олиб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш, шу орқали ўзини кўрсатиш, кўпроқ эътирофга сазовор бўлиш, "лайк" йиғишга ўчлик ҳолатидан келиб чиқапти.

⇒ 3-бет

«АТТОР РАСТАСИ» ИФОРЛАРИ ВА НАВОИЙ БАЗМИ НАВОЛАРИ

Икром Отамуроднинг янги достонига Фаридуддин Атторминг: *Киши билгайму, не сирри жаҳон бул, Не сир эрмишки, нури жаҳон бул?*



байти эпиграф қилиб келтирилади. Мазкур пурқикмат сатрлар афористик мазмунда шовринг гоявий-эмоционал муносабати акс этган.

⇒ 5-бет

САЙИЛГОҲ КЎЧАСИДА...

Сайилгоҳнинг нақ "юраги"да ўзини "замонавийман" деб атаган балоғат ёшдагилар енгил-елли кўшиқларга монанд рақсга тушаётгани ҳайрон қолдирди. Ажаблантиргани, улар орасида эрта-индин битта оилани гулла-та оладиган Барчинойдек сулув ўзбек қизлари ҳам бор.



⇒ 6-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА"ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНING ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

2019 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз йил бўлди. Мазкур тарихий ҳужжатта биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақам хуқукий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида — давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожланти-

риш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Худудларда атоқли аллома ва адибларимиз номлари билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда. Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожланти-

риш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмағи тарқиб 1-иловага;

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмағи (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг пухта тайёргарлик асосида, юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча шаҳар ва туманларда байрам тадбирларини ташкил этсин;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншоолар танловини ўтказсин;

мамлакатимизда театрлар ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломаларининг ҳақидаги спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойишини ташкил этсин;

"Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда "Ўзбек

тилшунослигининг долзарб масалалари" мавзусида республика конференциясини ўтказсин;

Ўзбек адабий тилининг асосини, буюк мутафаккир шoirининг Алишер Навоийга Тошкент шаҳридаги Миллий боғда, шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ўрнатилган ҳайкаллар пойига гул қўйиш маросимини уюштирсин;

мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналарида ўзбек тилига бағишланган байрам тадбирларини ўтказсин ва "Ўзбек тилининг дўстлари" клубларини тўзсин;

мамлакатимизда янгитдан ташкил этилиб, фаолият кўрсатаяётган Мухаммад Ризо Огаҳий, Исроқон Ибрат, Абдулла Қодирий, Хамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида она тилига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказсин;

худоудларда тил байрамига бағишланган адабий-маърифий кечалар ҳамда янги китоблар тақдимотини амалга оширсин;

21 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги санъат саройларида Ўзбекистон Рес-

публикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини ташкил этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадларининг орттириб бажарилган қисминдан, шунингдек, хомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 октябрь

Ш.МИРЗИЕВ

Ғурур

Мухаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири.

Она тилим

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим, Шеър ёздимۇ бўлак ишни қотирмадим. Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим, Бир эласам эзилади бағри-дилим, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб қўчганда тунлар ярим, Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим, Паровозни ҳансиратган бугдойларим, Олтинларим, мағданларим, ипақларим, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар, Ўзбекни қон қақшатгани ўзбек сийлар, Ҳолимизни қон қузатди Яссавийлар, Топганимиз хандалакдек тилим-тилим, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир қатта, Катта миллат — Афандиси йўқдир қатто, Биз ниёда, биз боққанлар юрди отда, Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар, Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар, Баҳонинг-ку бериб кетган Алишерлар, Юрагимнинг тўридаги сўмас гулим, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жиллолар Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жиллолар. Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар, Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим, Она тилим, эй муқаддас, Она тилим.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Икки давлат раҳбарининг мулоқоти

Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари россиялик ҳамкасбини туғилган куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестиция, фан-техника, транспорт-логистика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим эканига эътибор қаратдилар.

Президентлар самарали парламентлараро, худудлараро ва маданий-гуманитар алоқаларни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Халқаро кураш байрами

СУРХОНДАРЁ. Шу йил 2-6 октябрь кунлари дунё спорт муҳлислари нигоҳи Термизга қаратилди. Шаҳардаги "Алпомиш" стадионида кураш бўйича Президентимиз соврини учун ал-Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишланган XIV халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ва дунёнинг 48 давлатидан келган 55, 66, 73, 81, 90 ва +100 килограмм вазн тоифасида ёшлар, 48, 57, 70 ва +78 килограмм вазн тоифасида қизлар ҳамда мутлақ вазн тоифасидаги энг сара полвонлар гиламга тушиб, ўзаро беллашди. Спорт байрамида 19 та хорижий давлатнинг Кураш федерацияси президент ва раислари иштирок этиб, мусобақани томоша қилди.

Қизғин баҳсларга бой бўлган курашнинг мутлақ вазн тоифасида жоразмлик Болтабой Болтаев сурхондарёлик Мўҳсин Ҳисомиддиновни мағлуб этиб, Президент соврини — ўн минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофотини қўлга киритди. Иккинчи ўринни эгаллаган Мўҳсин Ҳисомиддинов беш минг АҚШ доллари, учинчи ўрин соҳиб тожикистонлик Дадаҳон Қурбоналиев ва эронлик Жафарий Пахловонийларнинг ҳар бири 3 минг 500 АҚШ доллари миқдоридagi совринга эга бўлди.

2

Муносабат



"Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг 30 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 октябрда имзоланган қарори юксак азму шижоат билан оламшумул ислохотларни амалга ошираётган миллатдошларимиз маънавий ҳаётига алоҳида шуқуқ олиб кирди.

Миллат қалбига нур тушди

Менимча, бу ҳужжат ўзида миллий ғурур ва ифтихорни сақлаб яшаётган ҳар бир ватандошимизни бефарқ қолдирмади. Зеро, тил масаласи миллат учун энг бош масаладир. Тил миллатнинг ташки белгила-

ридан биригина эмас, унинг номи, бошқа маданият унсурларига ўхшамаган ўзига хослигидир. Олайлик, маданиятнинг бошқа йўналишларида (масалан, санъат турлари, кийиниш ёки ошхона тизими сингари хусусий

кўринишларда) ўзга маданиятлар билан қоришиқлик, уйғунлик бўлиши мумкин, тил эса фақат ўша миллатнинг ўзигагина мансубдир ва унинг бойлигига ҳеч ким даъво қила олмайди.

2

Бизнинг сўхбат

Даврон САФАРОВ: «Кўринмас тўсиқларни енгиб ўтиш осон эмас»

Маънавият сарчашмаси бўлган матбуот нашрлари — газета-журналлар, китобларнинг одамлар қўлига етиб бериши, улардан баҳраманд бўлиши кўп ҳолларда уларни етказиб берувчилар ва сотувчиларга боғлиқ. Шу жиҳатдан мамлакатимизда мазкур соҳада ҳам қатор ўзгариш ва янгиланишлар жараёни кечмоқда.

Айтилик, бундан 5-10 йил аввал асосан "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АКнинг филиаллари — матбуот нашрларига обуна уюштириб, сотуви билан шугулланган бўлса, бугун турли хусусий "Тезкор почта"лар ҳам пайдо бўлди. Бу бир жиҳатдан яхши, ўзаро рақобат кучайиши, ушбу тизимда ижобий силжишларга туртки бўлиши лозим эди.

Аммо... Минг афсуски, бу борада ўйланганидек ҳолат кўзга ташланмади. Аксинча, матбуот нашрларини етказиб бериш, сифатли обуна хизматлари ва сотувини йўлга қўйиш масаласида жиддий муаммолар, пала-партишликлар келиб чиқди. Бунинг жабрини эса ўз-ўзидан аёнки, халқ — истемолчилар кўраётти. Ҳўш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Соҳани такомиллаштириш борасидаги вазифаларга нечоғли эътибор қаратилляпти?

Юқоридagi саволлар ва тизимдаги қатор бошқа муаммолар ечими юзасидан "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи Даврон САФАРОВ билан "Hurriyat" мухбири сўхбатлашди.



4

► ЭЪЗОЗ

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Орал Атаниязова, 1956 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида туғилган. 1979 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугаллаб, аввал туғуруқхонада шифокор, 1980-1981 йилларда эса Қанликўл тумани қишлоқ шифохонасида аёллар шифокори бўлиб ишлади. Сўнгра Ленинград шифокорлар малакасини ошириш институтида клиник ординатурада ўқиди, Россия соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли "Она ва бола" соғлигини сақлаш маркази аспиранти, Россия Фанлар академияси акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтида докторант сифатида изланиш олиб борди.

Эл-юртга сидқидилдан хизмат

муваффақиятга элтувчи йўлдор, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Орал АТАНИЯЗОВА



Ватанпарварлик бу — улғу фазилят. Табиийки, киндик қони тўқилган жой инсон учун муқаддас. Демак, Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, ватанни ардоқлаб асраш ва эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилиш инсон табиатида мавжуд бўлган улғу хислат. Мана шу эзгу туйғуларни кўнглига тугиб, она юртга хизмат қилишни олий мақсад билган — Орал Атаниязова бугунги кунда Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали раҳбари сифатида иш юритмоқда.

Орал Атаниязовани бир пайтлари чет элнинг энг обрўли халқаро ташкилотига ишга таклиф қилинганда ҳам, юрт меҳри барида устун келди. Ҳозирда қолди. Билим ва тажрибасини тугилиб ўсган она юрти ривож учун сарфлашга бел боғлади.

Орал Атаниязова бошчилигида бундан бир неча йил бурун Марказий Осиё Республикалари ва чет эл давлатларидан Норвегия, Швеция, Австрия сингари давлатларнинг 14-17 ёшли ўсмир ёшлар иштирокида илк бора "Орол денгизи фожиаси болалар нигоҳида" номли халқаро конференция ўтказилди. У конференцияни ўтказиш учун 3 йил вақт сарфлади. Ушанда болаларга ҳали Орол фожиаси гўёки эртақдек бўлади, дея олдинда нурли кунлар турганини айтганди. Бугунга келиб бу ишларнинг самараси яққол кўринапти.



Халқаро лойиҳалар асосчиси О.Атаниязова 1991 йили Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб "Фарзанд" нодавлат-ноти-

жорат марказини очиб иш бошлади. Марказнинг саъй-ҳаракатлари билан хотин-қизлар ўртасида учрайдиган оғир касалликларнинг камайишига ва болаларда учрайдиган камқонлик, диарея касалликларининг олдини олишга эришилди. Аҳоли ўртасида витаминга бой озиқ-овқат, дори-дармонлар ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи китоблар бепул тарқатилди. Мана, орадан 28 йил ўтибдики, ҳалигача бу марказ ўзининг иш фаолиятини самарали давом эттириб келмоқда.

Бугун Қорақалпоғистонда бўлаётган бунёдкорликларни, Орол фожиасидан азият чеккан Мўйноқ туманида олиб борилаётган кенг қўламли курилиш, ободонлаштириш ишларини кўриб кўзингиз кўнайдми. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қорақалпоқ диёри бутунлай янги кўринишда чиroy очмоқда. Айниқса, Орол денгизи тубида яшил

масъулияти билан олиб борган фаолияти самараси ўлароқ институт юқори натижаларга эришиб, юртимизнинг энг намунали олий таълим муассасасига айланиб бормоқда. Бугунги кунда филиалнинг 2 факультет, 17 та бўлимида 1800 дан зиёд талаба ўқияпти. Утган йили Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи давомидаги топшириқларига асосан мўйноқлик 50 нафар ёшлар ҳам шу институтда таълим олишмоқда.

Ёш кадрларни халқаро миқёсда тайёрлаш учун институтда барча имкониятлар яратилган. Филиалда Россия, Жанубий Корея билан ҳамкорликда очилган халқаро факультет, институт филиалига қарашли замонавий намунада қад кўтарётган Халқаро юқори технология инновацион клиникаси, магистратура ва докторантура дастурининг мавжудлигини эътироф этсак арзийди. Тинимсиз меҳнат натижасида 2019 йил август ойида эълон қилинган "Webometrics" халқаро рейтинг тизимида Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бўйича 3-ўринни эгаллаб, мамлакатимизнинг энг намунали олий ўқув юртлири қаторига кирди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, "Webometrics" халқаро рейтинг тизими (Webometrics Ranking of World Universities) Испанияда 2004 йил ташкиллаштирилган ва айни кунда дунё миқёсида энг таниқли халқаро мустақил илмий рейтинг тизим ҳисобланади. Олий ўқув муассасаларининг рейтинг натижалари, илмий ишлари, илмий мақолалари, веб-сайт сифати ва бошқа мустақил кўрсаткичлар орқали экспертлар гуруҳи томонидан белгиланади.

Орал Атаниязова шундай дейди: — Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали жамоаси учун бу албатта катта муваффақият. Мамлакатимиз раҳбарининг, айниқса, охириги йилларда олий таълим муассасаларига кўрсатаётган эътибори, имкониятлар учун чексиз миннатдоримиз. Бизнинг олдимизга қўйган энг олий мақсадимиз, дунёнинг ТОП 1000 олий таълим муассасалари қаторига кириш

ва жонажон Ўзбекистонимизнинг обрўсига ҳиссамизни қўшишимиз.

Орал опа жамоат арбоби, Сенатор — Халқаро Парламентларо гуруҳи аъзоси ҳисобланади. У тиббиёт илмини ривожлантириш, экологик муҳитни яхшилаш борасида сиёсат майдонида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда.

— Мен бахтлиман, сабаби, мустақил юртимизда инсон манфаати, унинг кадр-қиммати юксак баҳоланмоқда, миллийлигимиз улуғланмоқда. — дейди у сўзини давом эттириб. — Ёлсевар Президентимизга ёндош бўлиб ўз фаолиятимизни олиб бормоқдамиз. Бир пайтлар собиқ иттифок даврида эгаллаб турган ишимдан бўшатилганман, қайтиб иш топишим қийин бўлган, эмин-эркин фикримизни айтишга, мақсадларимизни амалга оширишга йўл қўйилмаган. Мустақиллигимиз шарофати билан мен мана шундай ютуқларга ва мартабага эришдим. Ҳали ҳам олдинда қиладиган ишларим, амалга оширадиган лойиҳаларим, режаларим кўп.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил бўлган Бузатов туманида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида фаолият қайта тикланган соғломлаштириш марказини ишга тушириш борасида ишлар олиб бормоқдамиз. Бузатов тумани республикаимиз олис ҳудудларидан бири, бу марказни ишга туширсак у ерда яшовчи аҳоли туманининг ўзида саломатлигини яхшилаш имкониятига эга бўлади.

Қаҳрамонимиз нафақат тиббиёт, таълим, сиёсат соҳасида, балки миллий маданиятимиз, кадрларимизга ҳам ихлоси баланд аёл. Унинг ташаббуси билан Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларида яшаётган, миллий мусиқа санъатига қизиқувчи ёшлар иштирокида "Дем бермес" лойиҳаси амалга оширилди.

Шунингдек, ҳудудимизнинг ҳосилдор ерларида етиштирилган 55 турдаги қовун навлари кўрғашмаси — "Қовун сайил"лари ташкиллаштирилди. Қорақалпоқларнинг миллий таълим ҳисобланган "Қавун оксавлак" сайил қатнашчиларга тортиқ этилди. Унинг галдаги мақсади Бузатов туманида келгуси йили баҳорда — Наврўз байрами арафасида "Қорақалпоқ миллий таомлари" халқаро фестивалини ўтказиш.

— Бугунга қадар "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби", "Соғлом авлод ордени" соҳибаси, Халқаро Голдман муқофоти совриндори унвонларига эришган бўлсам, албатта, бунинг устозларимнинг менга берган сабоқ ва билимларининг натижаси деб биламан. Академик Т.Доминов, У.Орипов, Д.Семёновлардан тиббиёт соҳаси бўйича билим олганман ва улардан бир умр қарздорман, — дейди у.

Гўзал ЯКУДАЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

Ёш авлодни баркамол руҳда тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Педагог ходимларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўлида қилинаётган амалий ишлар ўқитувчилардан ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этмоқда.

Масъулият талаб этади

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қаролатланади. Мақтаб ишлари давлат назоратидир», деб белгиланган. Таълим Ўзбекистонда шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи, ривожланишнинг устувор соҳаси деб қонунда эътироф этилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, шунингдек, соҳада ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим тизимини бошқичма-бошқича такомиллаштириш вазибалари ҳал этилмоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 23 август кунини ўтказган видеоселектор йиғилишида халқ таълимининг ривожлантириш, педагогларнинг малакасини ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига алоҳида тўхталиб, соҳага янги, замонавий, илғор ва инновацион усуллари кенг тарғиб этиш, бунинг учун ривожланган, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги айтиб ўтилди.

Мазкур вазибаларни ҳаётга татиқ этишда бизнинг Яшнобод туманидаги 230-умумий ўрта мактаб педагогик жамоаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Таълим даргоҳимизда барча ўқувчилар билан индивидуал ишлар тартиби жорий этилган. Ўқувчиларнинг мукамил билим олиши учун зарур шароитлар яратилган. Бундан ташқари, ўсмир ёшидаги ўқувчилар руҳиятида содир бўлиши мумкин бўлган ўтиш даври билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш мақсадида психологик тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Шунингдек, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолияти, оиладаги ўрни ҳам доимий ўрганиб борилаётган.

Мақтабда ўқувчилар илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усулларида кенг фойдаланади. Таълимдаги ушбу янгиликлар ўқувчиларнинг билим эгаллаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Гулнисо ШУКУРОВА,
Тошкент шаҳридаги 230-мактаб ўқитувчиси.

► Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги эътиборига!

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда ёшлар ўртасидаги зўравонлик, жанжал оқибатлари акс этган видеолар кўпайиб бораётганини кузатиб, кўнгли хира тортади. Баъзан оммавий тус олган бу жанжаллар ўнглаб бўлмас ҳолатлар билан ҳам яқунланади. Энг ёмони, айрим тоифа кишилар томонидан бу вазият тасвирга олинди, оммага тарқатилаётганидир.

Мақтабда болалар жанжаллашса...

Тўғри, бу каби "томшалар" кимларгадир қизиқ туюлар, аммо унинг миллат маънавиятига салбий таъсири жуда оғир асоратларга олиб келиши-чи? Халқимиз азиздан фарзанд тарбиясидаги нозик жиҳатларга, айниқса, уни меҳнатқаш, меҳр-оқибатли, иродали ва мард инсонлар бўлиб етиштиришга алоҳида эътибор қаратган. Урушқоқлик миллатимизга хос сифат эмас. Афсуски, биз бундай жанжалларга барҳам бериш, томонларни муросасга қақуриш ўрнига ҳолатни телефонимизда ёзиб олиб, оммалаштиряптимиз.

— Кейинги пайтда шу кадрят унутуляпти. Мақтабда синфдоши билан урушиб қолган боланинг отаси ёки онаси синфга бориб жанжал қиляпти. Бу ниҳоятда катта педагогик жаҳолатдир. Чунки ота-она болага шундай вазиятда ўзини қандай тутишда намуна бўлиши керак. Кўполликка кўполлик билан жавоб бериш, кейинчалик қўл кўтариш, мушталлаш, баъзан пичоқбозлик, оғир ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Бунга айрим ўқувчиларнинг ўқув муассасаларига пичоқ олиб бориб, бир-бирига санчиётгани мисолдир.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор: "Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катталаштириб кўрсатадиган заррабин зарур" деган эди. Агар мақтабда мингта боланинг ичида иккита бола урушиб қолган бўлса,

бошқа болаларга ҳам мана шу иллатни юқутиришга кўриб-билиб йўл қўйиши аниқлашади. — Менинг таклифим, мақтабда юз берадиган жанжаллар жуда катта фожиага айлантйрилиши керак, — дейди Мухаммадjon Куронов. — Таълим тўғрисидаги қонун, ўқув даргоҳининг ички тартиб-қоидалари асосида муҳокама этилиши шарт. Боланинг шахси камситилмаган ҳолда қилган хато иши кўрсатиб берилса, шунда қараб турган бошқа болалар жанжал қандай оқибатларга олиб келишининг гувоҳи бўлади. Эртага шу ҳолат юзага келса, унда "Мен тўғри қиляпманми?" деган маънавий тормоз ишга тушади.

Инсонни уч хил ахборот жалб қиладди. Биринчиси, унинг эҳтиёжи, иккинчиси, қизиқиши ва учинчиси, маънавий ҳолати билан боғлиқ. Қизиқарли, бошқа ерда учрамайдиган маълумот интернетда кенгрок таъсир кўрсатади ва тобелликни юзага келтиради. Виртуал оламга қарамлик эса инсонда жижзақлик, безовталик ва хаёлдан кетмайдиган фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Олимларнинг тадқиқотича, жангари компьютер ўйинлари ва фильмлар болада

қизиққон ва муросасиз, атрафдагиларга нисбатан бефарқ, шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўз ҳиссийларини устун қўйиш каби салбий хислатларни шакллантиради. Кўрқинчли, хавфли хатти-ҳаракатлар инсонни ҳаяжонлантиради. Тўсатдан юз берадиган хавфли ҳолатлар уларда завқ уйғотади. Экрандаги хавфни ҳис қилар экан, бу жанговарлик унинг романтик, фантастик истакларини гўёки қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун бу фильмлар афсуски, ёшлар орасида машҳур.

Бундай тасвирларга тарбиясида саёзлик кузатилган болалар тарбия ётади. Агар шу тарбияни бера олмадик, улар хаёт ҳуқумига ташланган болаларга айланишади. Хаёт улардан кимни яраса, шундай одамлар бўлиб етишишади. Ёшларда ўзини кўрсатишга мойиллик кучли. Бу турли қўриқнишда юзага чиқмоқда. Бугун кўча-кўйда урушаётган илгитқизиларни тасвирга олиб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш, шу орқали ўзини кўрсатиш, кўпроқ эътирофга сазовор бўлиш, "лайк" йиғишга ўчлик ҳолатидан келиб чиқаяпти. Нима эмас, ким кўп "лайк" олса, у гўё ақлли, обрўли эмиш! Очигини айтганда бундай фикр қилишининг ўзи нечоғли маънавий қашшоқлик белгисидир. Мазкур муаммо нафақат бизда, балки бутун дунёда ривожланиб бормоқда. Маънавий ночор кимсалар шу орқали фикр тартибсизлигини юзага келтиряпти, ҳуқуқий нормалардан ташқари, оддий этика, инсоний одоб-ахлоқ меъзоларини унутиб қўймоқда.

Даврон САФАРОВ:

«Кўринмас тўсиқларни енгиб ўтиш осон эмас»

1 — Даврон Сафарович агар қарши бўлмасангиз, суҳбатимизни бир-данга тизимдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусидаги савол билан бошласак.

— Мазкур.

— Сўнги пайларда тизимда йўл қўйилган хато ва камчиликлар туфайли компания фаолияти нафақат тахририятлар, балки муштарийларнинг ҳам жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу эътирозлар қанчалик ўринли?

— Гапингизда жон бор. Тахририятлардан компаниянинг қарзи ҳам катта. Ҳўш, бу қарзлар қандай қилиб юзага келган? Урганиш жараёнида маълум бўлдики, асосий сабаб обунанинг носоглом ташкил қилинишида экан.

Эндиликда обунанинг ўз вақтида пулни тўлаб бермаслиги ёки обуна пулларини мақсадсиз ишлатиб юборишдек суистеъмолчиликлар, ноҳус ҳолатлар барҳам топди.

Утган вақт мобайнида компания билан тахририятлар ўртасида баъзи тушунмовчиликлар, ўзибўларчиликлар туфайли аҳвол ёмонлашган. Аввало, тахририятлар билан компания ҳамкорлигида ишлаши керак.

Узим ҳам журналистман. Битта стол атрофида ўтириб масалани узил-кесил ҳал қилиб, унга ечим топмасак, ҳар икки томон ютказадим. Отаҳон тахририятларга бориб устозлар билан соҳани ислоҳ қилиш бўйича фикр алмашиш ният-тим бор.

Кўпгина давлатларда матбуот тарқатиш соҳаси алоҳида алоҳида тизимларга бўлинган. Бизда бу тизим сақланиб турибди. Агар бераво бўлса, тизимда унглиши, ривожланиш мушкуллашаверади.

Матбуот тарқатувчи сифатида фаолият юритишимиз учун янги қарор лойиҳаси тайёрланган. Мазкур лойиҳани тақомиллаштириб, тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тўла мос келадиган қилиш қолди. Биргаликда муҳокама қилиб, журналист, тахририят, матбуот тарқатувчи нуктаи назарини умумлаштириб замон талабига жавоб берадиган даражага келтиришимиз керак. Шундангина ҳар қандай муаммога ечим топилади.

Вазиёт нуктаи назаридан келиб чиқиб, ҳар бир тахририятга кириб боришга ва улар билан ишлашга тайёрмиз. Вақтни йўқотсақ кўп нарсани бой берамиз.

— Тизимдаги муаммолар сифатида, айниқса, вилоятдаги бўғинларнинг қарз ботқоғига ботгани, турли кингирликларга йўл қўйгани кўп тилга олинмоқда. Бу каби гайриқонуний ҳолатларга қандай муносабат билдирасиз?

— 2017 йилда худудий ташкилотларда қарздорлик ва мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида вилоятларда хизмат сафарини бўлдим. Компаниямиз тизимдаги шўба корхоналари алоҳида алоҳида юридик макорамга эга мустақил ташкилот ҳисобланади. Улар тўғрисида тўғри шартнома тузишда ёки молиявий фаолият олиб боришда. Шу боис баъзи вилоятлардаги шўба корхоналаримизда ўзибўларчилик, бухгалтерия хисоб-китоб ишларини тўғри юритмаслик сингари камчиликларга йўл қўйилган.

Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида юритган фаолияти бўйича ҳуқуқ тартибот органларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Лекин самарали иш олиб бораётган вилоятлар ҳам бор. Уларнинг фаолиятига озорқ замонийлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шўба корхоналардан Бухоро вилоятини, масъулияти чекланган жамият сифатида Андижон бўлимини мисол келтиришимиз мумкин. Уларда молиявий фаолият анча яхши тартибга солинган, самарадорлик ошган.

Узоқ йиллар давомида юқорида тилга олинган сабаблар туфайли қизгин ҳамкорлик олиб боришимиз қийин бўлди. Ҳозирда вилоятлардаги корхоналар билан қилинаётган ишлар, чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича мунозама фикр алмашишимиз. Агар олдиндан назоратни мунтазам олиб боришимизда, янада аниқроғи, ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганида бундай хунук аҳвол рўй бер-

масди. Қолаверса, компаниянинг ички ҳужжатларидаги бандлар вақтида ўзгартирилмагани ҳам ноҳус ҳолатни юзага келтирган. Аниқланган камчиликларни тузатиш, бевосита назорат ёки текширув нуктаи назаридан эмас, балки уларнинг молиявий фаолиятини тўғри ва шаффоф олиб боришида кўмаклашиш, ҳамкорлик қилиш мақсадида вилоят шўба корхоналари устали ҳамда бир қатор ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди. Компаниянинг яқинда ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишида Устав тасдиқланди.

Вилоятлардаги қарздорликларнинг юзага келишида обуна компанияларининг хайбаракатчилик тарзида олиб борилиши ҳам сабаб бўлган. Айтайлик, маҳаллий ҳокимликларга обуна бўйича топшириқлар бўлади. Улар эса, ўз навбатида, хусусий матбуот тарқатувчи компанияларга, вилоятлардаги, туманлардаги бизнинг вакилларимизга: «мана шунча обуна хисоботини берасан, биз пулни ундириб берамиз», дейишган. Улар эса: «Маълум суммадаги обуна уюштирдик», деган мазмундаги хисоботни бизга тақдим этган. Аслида, ўша обуна пуллари ўз вақтида тушмаган. Баъзи бир ҳолатларда ҳатто обуна шартномалари ҳам йўқ. Фақат оғзаки топшириқ асосидаги хисоботлар кўпиртириб қўрилган, холос. Масалан, Жиззах вилоятидаги масъулияти чекланган жамиятда шундай ҳолат рўй берган. Уларга обуначи жуда катта миқдорда буюртма берган, лекин кейинчалик бекор қилган. Қаранг, «Жиззах ҳақиқати» газетаси бир миллиард сўмга яқин обуна уюштирди-да, обуначи йилнинг ўрталарида уни рад қилди. Бугунги кунгача бир неча марта шу ҳолат юзасидан ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилинди. Аммо шунга қарамай ҳоким муаммо ечимини топгани йўқ. Бу ерда қарздорлик обуначи, тахририят ва обуна уюштирувчи ўртасидаги тушунмовчиликлар, ҳисобот учун қилинган ишлар, кўзбўямачиликлар туфайли келиб чиққан. Лекин биз хоҳлаймизми-йўқми, «Жиззах ҳақиқати» тахририяти олдида қарздор бўлиб қолаётган. Жуда катта миқдордаги газета вилоят «Матбуот тарқатувчи» МЧЖда эгасиз ҳолда ётибди. Узоқ йиллар давомида обуна уюштиришдаги жараёнларда шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади. 2019 йилги обуна мавсумида бу каби ҳолатлар рўй бермади.

— Мана, 2020 йил учун обуна мавсуми ҳам бошланди. Ниҳоятда долзарб ва машаққатли дамлар яна олдинда...

— Ҳа, лекин соғлом рақобат бор жойда ривожланиш бўлади. Жуда кўплаб хусусий фирмалар ҳам ишимизни анча орқага тортаётти. Кўпчилиги тадбиркор кишилар бўлиб, компания номидан фойдаланиб иш қилаётти. Уларнинг фаолияти кўп талабларга жавоб бермайди. Лицензияланмаган ҳолда фаолият олиб боришга тўғри ҳам талабгина. На машинаси, на савдо нукталарига эга. Ҳозирда аксарият «обуначилар» мавсум бошланганда 3-4 ой қизгин фаолият олиб боради-да, кейин қутилмаганда гоёиб бўлиб қолади. Энг қизиғи, хусусий обуна уюштирувчилар «Матбуот тарқатувчи» сўзини олдида «медиа», «экспресс» каби сўзларни тиркаб иш олиб боришмоқда. Алаокибат, калтак бизнинг бошимизга келиб синади. Англашилмовчиликлар туфайли айримлар янглишиб, уларнинг ўрнига бизни судга берган ҳолатлар ҳам бўлади.

Хабарингиз бор. Утган йили обуна масаласида баъзи наشرлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан бирёқлама талқин қилинди. Асл моҳият бошқа жойда қолди-ю лекин тартибот жараёнида ҳолат бошқача тус олди. Шу боис фақат тавсиявий характерга эга ишларни олиб бордик.

Обунани тарғиб қилишда уни маънавиятга хизмат қилувчи омил деб қараш керак. Обуна уюштириш бу йил янги боқинда олиб боришмоқда. Бу бўйича тартибот гуруҳи алоҳида, обуна уюштириш гуруҳи алоҳида тарзда жорий йил 20 сентябрдан бошлаб «Обуна шабаби» иш бошлади. Жараёнда бир қатор бюрократик ҳужжатлардан воз кечилиб, электрон шаклда ишлаш йўлга қўйилди. Ҳужжатлар соддалаштирилди.

— Соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қай даражада амалиётга татбиқ этилаётти? Умуман, ушбу ҳужжатларни янада тақомиллаштириш ҳақида ўйлаб кўрилаётти-ми?

— Дарҳақиқат, ҳар бир соҳа ривожини ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг нечоғли мукамаллигига ҳам боғлиқ. Компанияга 2017 йилда савдо бўйича директор вазифасига ишга келганман. Фаолиятимни тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганишдан бошладим. Компания 1999 йил 13 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 418-сон қарори асосида ташкил топган ва бу қарорда компаниянинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Ушбу қарор бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бериши қийин. Қарорда обуна ишларини ташкил этиш ва бу бўйича мониторингни амалга ошириш, умуман, наشرларни обуна ёки чакана савдо орқали муштарийларга етказиш матбуот тарқатувчининг зиммасига юклатилган. Компаниянинг август ойи ҳолатида даврий наشرларни ҳам обуна, ҳам чакана савдо орқали тарқатиш бўйича улуши 12,8 фоизни ташкил этмоқда. Айнан шу каби фаолиятни «Ўзбекистон почтаси» ҳам параллел равишда олиб боради. Мазкур ташкилотнинг ҳам улуши худди шу кўрсаткич атрофида. Демак, 70 фоиздан ортиғи юқорида айтганимдек, хусусий обуна уюштирувчи ёки чакана савдо билан шугулланувчи фирма ҳамда ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Соҳадаги муаммолардан яна бири, қайси наشرнинг қаррда, қанча сотилаётгани ёки тарқатилаётгани ҳақидаги маълумоти ҳеч бир ташкилот беролмайди. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг 418-сон қарори тўлиқ ишланмаётти. Матбуотнинг тарқатиш бўйича бундан бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Ҳўш, унда 12,8 фоиз деган кўрсаткич қаердан олинди, деган савол туғилиши мумкин. Ҳеч бир ташкилотдан аниқ маълумот ололмаганимиз учун ҳодимларимиз наشرларнинг тиражини ҳисоблайди ва шу орқали аниқлаймиш.

Урганишлар даврида наشرлар, дарслик ёки китобларни етказиб беришда ҳам бир қатор муаммолар борлиги аниқланди. Яқинда бир меъёрий ҳужжати Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланди. Унда китоб савдосини янада ривожлантириш, уни тарқатиш, китобхонлик, мутлола маданиятини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш, тумандаги ёки вилоятдаги вакилларимиз орқали тўғридан-тўғри тизимли ва самарали етказиш бўйича ҳам бандлар тавсия қилинган.

— Даврий наشرлар чакана савдоси билан шугулланувчи киосклар, яъни газета дўконларининг аҳоли қониклари эмас. Улар фаолияти кейинги йилларда янада ёмонлашди. Сон жиҳатидан ҳам қамайиб кетди. Борлари ҳам талабга жавоб бермайди.

— Тўғри, энг охириги киосклар 2012 йилда ясалган. У қайсида маънода талабларга сал яқин бўлиши мумкин. Лекин бугунги шиддат билан ўзгараётган замонча унча жавоб бермайди. Бугунги кун муштарийларнинг талаби бошқа. Тошкент шаҳрида 184 та киоск бор. Улардан 150 га яқини ишлайди. Қолганларининг ишламаётганининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Рентабеллиги пастлиги, яъни қутилган натижани бермаётгани учун ҳам айримлари вақтинчалик фаолият олиб бормаяпти. Умуман, киоск савдолари қандай тартибда олиб борилади? Наشرлар асосан кечқурун келади. Шундан кейин сараловчилар томонидан тонгги соат 4 дан бошлаб саралаш ишлари олиб борилади. Наشرларнинг келишига қараб саралаш бироқ кеч ёки вақтлорқ тугатилади. Агар битта ёки иккита наشر кечикса, бу ҳам компанияга анча-мунча таъсир кўрсатади. Чунки, қайтадан ўша наширни яна тарқатиб чиқишга тўғри келади. Сарф-харажат ҳам ўз-ўзидан икки баробар ошади. Тошкент шаҳрини шартли равишда еттига халқча бўлганмиш. Еттига йўналишда чакана савдо бўйича машиналар наشرларни тарқатади. Асосан эр-талаб соат 6.30-7.00 атрофида машиналаримиз йўналишларга чиқиб

кетди. Бу йилдан бошлаб уларга ҳар бир киоскка кўпи билан 3,5 дақиқа вақт сарфлаш бўйича меъёр белгиланган. Ана шу 3,5 дақиқа ичида ҳисоб-китоб қилиш, ведомость тўлдириш, касса қилиш, умуман, тезкорлик бўлса, ҳаммасига бемалол улгуриш мумкин. Қанчалик вақт кўп кетса, бу тагин компанияга зарар. Биласиз, эр-талаб соат 8-9 атрофида шаҳарда транспорт воситалари қатнови кўпаяди. Тирбандчилик юзага келади. Ўз-ўзидан бу бизнинг ишимизга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Яъни харажатларнинг кўпайишига, наشرларнинг ўз вақтида етиб бормаслигига олиб келади. Бир қатор машиналарга GPS назорати синов



тариқасида ўрнатилган бўлиб, бу орқали уларнинг ҳаракат йўналиши аниқланади. Улар қачон, қаерга бориши, қанча вақт сарфлаши барчаси назорат остида бўлади. Тўғри, компаниямизнинг молиявий фаолияти унча яхши бўлмаган бир пайтда бу орқали харажат бўлиши мумкин. Аммо у ўзини қоплаётти, кўп харажатларни иқтисод қилиш имкониятини бераётти. Аввало, экспедитор ҳодимларнинг ишига бўлган маъсулиятини ошираяпти. Фақатгина юридик манзили ўзгарганлар мурожаат қилганини инобатга олмаганда Тошкент шаҳридаги обуначилардан деярли шикоят тушмади. Бирок, барча вилоятларда шу тизим бўйича иш олиб боришга ҳозирги кунда на молиявий, на ҳисмоний жиҳатдан имкониятимиз йўқ.

— Газета дўкони, яъни киоск сотувчилари қандай мезонлар асосида ишга қабул қилинади? Уларга қандай талаблар қўйилади? Киоск сотувчиларини ҳам замон талабларига мослаштириш вақти келмади-ми? Муомала, савия дегандек...

— Хафтангиз сешанба ва жума кунлари кадрлар комиссияси томонидан киоск сотувчилари сўбатдан ўтказилади ва бир ҳафталик тажриба алмашишга юборилади. Шундай киоск сотувчилари борки, улар ўқишни тамомлаб тўғри шу ерга ишга келган ва 40-45 йилдан буён ишлайди. Ота-оналарининг касбини давом эттираётган киосклар ҳам бор. Ҳозир киоскда савдо қиладиган ишчи-ҳодимларимиз асосан катта асосда вакиллари. Тажрибали киоскларга ёшларни иш ўрганишга юборамиз. Тажриба ўрганиш ёшлар қайта суҳбатдан ўтказилгач, ишлашга тавсия этилади. Лекин ёшлар негадир кам мурожаат қилишади. Киоскларимизга маош ишига қараб белгиланади. Қанча кўп савдо бўлса, шунга қараб ойлиги ҳам кўтарилади. Ўз-ўзидан рақобат пайдо бўлади. Яқинда бир киоскда, гарчанд гавжум жой бўлса-да, савдо ҳажми тушиб кетди. У ерга ёш кадр — коллеж битирувчисини қўйган эдик, савдо ҳажми уч баробарга кўтарилди. Демак, савдонинг «олтин қоида»си — муомала ўз натижасини кўрсатади.

Киоскларнинг аҳоли билан муомала қилишда лаёқати бор ёки йўқлиги кадрлар комиссияси томонидан суҳбат жараёнида аниқланиб, тушунириш ишлари олиб борилаётти. Ҳўш семинарларга, турли маърифий тадбирларга ўқитилади. Ҳар душанба кун киосклар билан йиғилиш ўтказилиб, наشرлар сотилмай қолганларнинг сабаблари ўрганилади. Баъзи журналлар бир жойда сотилмаслиги мумкин, аммо бошқа жойларда харидоригор бўлади. Бунинг ҳам мониторингини юритиб, унга индивидуал ёндашамиз. Шу сабабли бу йил ёз фаслида ҳам наشرлар савдоси у қадар тушиб кетмади. Утган йилдагиларга нис-

батан 50-60 миллион сўмга фарқ қилди, холос. Шундай киосклар борки, наشرларнинг деярли асосий қисмини ўқиб чиқишади. Бирор корхона, ташкилот ҳақида ёзилган бўлса, ўша ернинг телефон рақамини топиб уларга шу мақола ҳақида айтишади. Бу ҳам рекламанинг бир тури.

— Киоскларнинг гавжум бўлиши учун қандай янгиликлар татбиқ этилаётти?

— Асосий муштарийлар ким ва қандай наشرларга талаб кўпроқ, деган мазмунда киоск сотувчилари ўртасида сўровнома ўтказдик. Сўровлардан маълум бўлишича, 30 ёшдан кичик бўлган харидорлар энг кам қисмини ташкил этди. Энг катта қисм 50 ёшдан юқори бўлган аҳолига тўғри келди. Улар ҳатто 40 фоизни ташкил қилди. Ўрта ёшдагилар 20-25 фоизни ташкил қилди. Қайси наشرлар кўпроқ сотилади, деган саволга эса, хусусий наشرлар асосий қисмини ташкил этди. Бу йил бошида ўтказилган сўров эди. Яқинда ўтказилган сўровда эса фоизларда ўсиш бор. Биринчидан, ёшлар орасида ижтимоий-сиёсий наشرлар сотиб олиш кўпайган. Йил бошида бу кўрсаткич 10-12 фоиз эди, охириги кўрсаткич бу 17-18 фоиз бўлди. Бу жуда катта фарқ бўлмаса-да, ёшларимизнинг бугунги кундаги ислохотларга бефарқ эмаслиги

талаб қилаётти», деб қолшади. Афсуски, бундай ҳолатлар жуда кўп. Киоск кимгадир ёқмаса, олдириб ташлайдиган оддий бир буюм эмас-ку. У ҳақиқий маърифат сарчашмаси. У ердан қанча одам фойдаланади. Шу боис имкон қадар сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Ҳозир ҳамма елиб-юғриб юради, вақти тигиз. Киоскка дуч келиб қолсагина керакли наشرларни йўл-йўлакай сотиб олиши мумкин. Ҳар доим ҳам аҳоли гавжум жойларга киоскларни қўйиш қийин. Бизга боғлиқ бўлмаган турли сабаблар бор. Шаҳар архитектурадан рухсат олишимиз ва белгиланган тартибда киоскларни қўйишимиз керак. Бироқ «Ҳоким ўтар экан, бу кўчадан киоскни ол», «Фалончи келаяпти, киоскни олиб тур», деган оғзаки топшириқ, арзимас вақт-қарсонлар туфайли олдириб ташлаш ҳолатлари ҳам учрайди. Қўринмас тўсиқларни енгиб ўтиш осон эмас. Биз учун битта киоскни бирор жойга ўрнатиш салкам «ҳаёт-мамонт» масаласи.

— Демак, бу аҳволда тараққий этган давлатлар тажрибасини ўрганиб, соҳага татбиқ этиш ҳам қийин бўлса керак?

— Дастлабки иш бошлаганимда кўплаб халқаро тажрибаларни ўрганишга, киоскларнинг иш тартиби ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилдим. Яқин қўшилларимиз, шунингдек, ривожланган давлатлар муаммолари вазиётдан қандай чиқатганини ўрганишга ҳаракат қилдим. Минг афсуски, қўшни давлатларга нисбатан соҳада анча орқадаммиз. Қозғистон, Тожикистондаги киоскларни кўриб ҳавасимиз келди. Ҳатто аҳоли жон бошига газета тақсимотида ҳам қўйи ўриндамиз. Тўғри, электрон наشرлар, интернет сайтлар жуда ривожланган давлатлар бор. Масалан, Японияда энг кўп. Шунга қарамай, бу давлатда аҳоли жон бошига тахминан 600-800 нусхадан ортиқ газета тўғри келади. Юртимизда эса, бу кўрсаткич минг афсуски, 8 донага тўғри келади. Бу жуда аянчи.

АҚШда наشرлар асосан обуна орқали етказилар экан. Бу давлатда ҳам 2008 йилда соҳада муаммолар кўп бўлган. Баъзи наشرлар оилаб кечиккан. Ҳозир ҳам муаммо йўқ эмасдир. Канадада эса АҚШ ва бошқа давлатларнинг ҳам наشرларига эҳтиёж кўпроқ бўлиб, шу сабабли обуна кўп қилинар экан. Логистика, яъни етказиш барча давлатларда энг қimmat харажатларини ташкил қилади. АҚШда ҳам харажатларнинг 55 фоизи логистикага сарфланади. Германия, Англия, Францияда обуна ўзини унча қопламаса, наشرлар асосан чакана савдо орқали етказилар экан. Лекин деярли барча давлатларда тахририятлар, наشريятлар учун етказиш ва бошқа хизматларда ўзига яраша имтиёзлар бор. Фақат Хитойда имтиёзлик субсидия, яъни фоизсиз қарз берилар экан. Қолган давлатларнинг қонунчилигида солиқда имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Шу ўринда Франция тажрибасига эътиборингизни қаратмоқчиман. Саркози сайловолди дастурларида 17-21 ёшдаги йигит-қизларни 40 дан ортиқ наشرларга давлат томонидан обуна қилдириши ҳақида тўрт йиллик лойиҳани тақдим этган экан. У президент бўлганидан сўнг бу гоёни амалиётга қўллаган. У давлатда наشرлар жуда қimmat. Ўша пайтда Францияга бу 4 миллион евродан зиёдроқ маблағни ташкил этган. Қизғин, тўрт йиллик лойиҳадан кейин бешинчи йили ёшлар ихтиёрий равишда ўзлари ташаббус билан наشرларга обуна бўлиши кескин қўйилган. Энг муҳими, айнан ўша ёшдагилар ўртасида жиноятчилик ҳам сезиларли қамайган. Аксинча, спорт билан шугулланувчи ёшлар кўпайиб, китобхончиликқа қизиқиш ошган.

— Барибир, ҳеч қимми мажбурият қўйиб бўлмайди...

— Аҳолимиз ўқимай қўйди, босма наشرлар даври ўтди, ҳамма электрон наشرларни ўқияпти, деган фикрларга қўшилимаман. Негаки, Тошкент шаҳрининг ўзида чакана савдода ҳозирги кунда бир ойда 800-900 миллион сўм атрофида наشرлар сотилапти. Бу янаям одатда мавсум нисбатан суст бўлган ёз ойларидаги кўрсаткич. Боиси аҳоли асосий эътиборини дам олиш, турли юмушларни бажаришга қаратгани учун бу пайтда савдо унча бўлмайди. Аммо одамлар ўқияпти. Акс ҳолда наشرлар сотилмасдан қилиб кетар эди. Балки обунани тизимли ташкил этишни йўлга қўй олмаётганимиз ёки тартибот тўғри олиб борилаётганимиз. Ишончим қомил, мақсад муштарак бўлса, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин. Шундай экан, катта-ю кичик, ёшу қарини бирдек маърифатдан баҳраманд қиладиган матбуотимиз, даврий наشرларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз лозим.

— Мазмуниги суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Суҳбатдош:
Ҳидоят ЖУРАЕВА.

► Муталаа

Икром Отамурод кейинги йилларда “Доғ”, “Ўрин”, “Балки”, “Жадвал” сингари бир қатор дostonлар яратди. Улар ҳақида вақтли матбуотда илиқ фикрлар билдирилмоқда. Бироқ замонавий миллий дostonчиликнинг айни палладаги тараққиётида муайян адабий ҳодиса санаш мумкин бўлган мазкур асарлар поэтикасини алоҳида-алоҳида чуқур таҳлил қилувчи мақолалар нисбатан камлиги ҳам сезилмоқда. Шунинг назарда тутиб, биз шоирнинг “Жадвал” номли битигини имкон қадар яхлит кузатишни ният қилдик.



«Аттор расмаси» ифодалари ва Навоий баъзи наволари

Икром Отамуроднинг янги дostonига Фаридууддин Атторнинг: *Киши билгайму, не сирри жаҳон бул, Не сир эрмишки, нури жаҳон бул?* Байти эпиграф қилиб келтирилди. Мазкур пурҳикмат сатрлар афористик мазмунда шоирнинг гоёвий-эмоционал муносабати акс этган. Шу боис танланган эпиграф ўз бадиий-эстетик функциясига кўра дostonга очкич вазифини ўтайди. У муаллифнинг мақсади ҳақида маълумот бериши, асар ёзилишига туртки берган фикр-карашларни ифода этиши, И.Отамуроднинг ижод онларидagi туйғу-кечинмаларини ихчам ифода этиши жиҳатидан дoston воқелиги ҳақида илк тасавурлар уйғотди. Китобхонни мутасаввиф шоир Фаридууддин Аттор — Мансур Халлоҷ ва Боязид Бистомийлар таълимотидаги етакчи гоёларнинг изчил давомчиси фалсафаси туб асослари сари етаклайди.

Маълумки, Бистомий таълимотига кўра, инсон зикр ҳолатида ўзлигини унутди. Ишқдан маст бўлган кишининг бутун вужудини илоҳий ҳис-туйғу камраб олади, пировадиди фано ҳолати, яъни мавжудликнинг йўқолиши ва Худо билан бутунлай қўшилиб кетиш содир бўлади. Шахс ўз “мен”лигини тарк этиб, илоҳийликка сингиб кетади ва унинг сифатларини қабул қилади. Илоҳийлик эса шахсиятга айланади. Бошқачароқ айтганда, илоҳий ва инсоний руҳларни уйғунлаштириш — бу моддий ва маънавий ибтидоларни бир-бирига қўшишга интилиш эди.

Тайфурия сўфийлик тариқати пири ибратли панд-насихатлари таъсирида камол топган Атторнинг “Булбулнома”, “Мантик ут-тайр”, “Уштурнома” асарлари, шунингдек, рамзий-аллегорик тимсоллар асосида битилган “Жавҳар уз-зот”, “Хайлоҷ”, “Асрорнома”, “Шарҳ ул-қалб”, “Мусибатнома” сингари дostonларида таъхид Аллоҳнинг эғоналигини тан олишгина эмас, балки у билан қўшилишга интилиш, инсоннинг мулқ Рух томон таълими тарзида поэтик идрок

этилган. У ўз дostonларини муҳокама-мушоҳада, фикрий-шуурий баён тарзида битган. Жумладан, “Хусравнома” романтик-саргузашт асарида мажозий ишқни куйласа, “Жавҳар уз-зот” дostonида руҳий ва моддий оламлар ягона эканини таърифлаган. Ҳар бир заррада шобан илоҳий мазмунни зоҳир кўзи билан кўриш эмас, балки кўнгил нигоҳи-ла ҳис қилиш мумкин эканини уқтирган. “Асрорнома”да таъкидланишича, Яратувчи ўз борлиғида пинҳону пайдо, барча ашёлар ёлғиз жавҳардан ибтидоланади. Аёнки, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳам болалик чоғларидан то умрининг охиригача “Мантик ут-тайр” таъсирида яшаган. “Лисон ут-тайр” дostonини ёзгангина маънавий-руҳий таскин топган. Бундай мисоллар эсланса, миллий поэзиямизда Аттор меросига мурожаат этиш орқали ўз руҳий тўлғовларини поэтик ифода этиш аъёнани гоёта қадимий экани ойдинлашади.

Шубҳасиз, И.Отамурод юқоридан саналган асарлар билан бир каторда, Атторнинг “Панднома”, “Бесарнома”, “Девон”, “Вуслатнома”, “Тазкират ул-авлиё” каби битиклари моҳиятидан ҳам қисман воқиф бўлган. Зотан, “Тазкират ул-авлиё” асарини Хожашоҳ Сайид Аҳмад Хоразмий миллий тилимизга ўтирган, замондошимиз Мирзо Кенжабек ҳам ушбу хайрли юмушга қўл урган эди.

Хуллас, дoston эпиграфи бизга ушбу дoston пайдо бўлишига туртки берган омиллар, поэтик ҳодисанинг юзага келиши, мазмун-моҳияти, ифода йўсини, қабул қилиниш жараёнида адабий таъбир ва ижодий қайта ўзлаштиришни назарда тутиш зарурлиги сингари кўрлаб масалалар ҳақида дастлабки тасавурлар беради. “Жадвал” дostonининг илк сатри атиги битта сўздан иборат: ... Олам...

Эпиграфда кўйилган: Одам боласи ақл ва жонга нур берувчи жаҳон сирини билиши мумкинми?, деган масала теграсидаги муҳокама-мушоҳада ва фикрий-шуурий

баён айнан шу сўзга боғлиқ тарзда юзага чиқади. Шоир тушунчанинг ҳар икки томонига “уч нуқта” кўяди. Яъни, бу тушунчанинг англами беҳад кенг эканига эътиборимизни қаратади. Демак, биринчи сатрни ўқишданок, биз муайян асрори ўзимизга аён ва аллақачаси ноён дунё, аниқроғи, оламлар рангин экани ҳақида теран ўйларга шўнган И.Отамурод тахайюл олами сари юзланамиз.

Заррада коинот акс этганидек, олам ҳам моҳиятан нисбий тушунчадир. Зотан, энг кичик заррадан коинотгача бўлган оқсаклик ва кенгликлар, баҳри мухит каби теранликлар миқёсли тарзда фикран камралса, қалбдан ҳис этилса, нўхотдай жажжи, тоғдай улғувор, қатрадай митти, уммондай чуқур ва инсондай мураккаб барча мўъжазу ҳайбатли нисбий дунёлар бир муаззам шажарада: узун-қиска, катта-кичик паст-баланд, саёз-теран бўлиб сафланади. Шундай экан, барча нарсая ҳодисалар космологик олам тушунчаси теграсида идрок этилади. Биз оламни чексиз ёхуд чекли дея бахшашувчи икки кутб донолари баҳсидан воқиф эсак-да, муталаани уч нуқталар куршовида давом қилдирамиз:

... Ҳар томон тахлитан ўзи бир олам ...

Ҳа, олабий тизимлар беҳад кўп. Инсон фикри уларнинг ҳаммасини яхлит тарзда нисбий қамрай олади. Илло, ҳар бир объект ўзига қадрдон тизимда чексиз ва ўзига бегона масканда чекланган ва аксинча...

Айрим илмий фаразларга кўра, коинотнинг дастлабки вужудга келиши даврида фазо ва вақт бир ўлчамли бўлган экан. Аммо “ўлчамлик” тушунчаси фазо ва вақтнинг қанча ўлчов бўйича эркинликка эга эканини ифодаловчи, топологик хусусиятга ҳам эга. Макродунёда вақт — бир ўлчамли, фазо — уч ўлчамли. Воқеликда эса фазо-вақт биргаликда тўрт ўлчамда намойён бўлади. Илм-фан тасдиқлашича, нуқта — ўлчамсиз, чизик — бир

ўлчамли, юза икки ўлчамли, жисм — уч ўлчамли, ҳодиса — тўрт ўлчамли, яшин — беш ўлчамлидир. Буларнинг барчасида муайян изчиллик мумкин. Юқоридagi ҳодисалар асрорини идрок этиш мумкинми? Шубҳасиз, бу мураккаб жадвалга қачондир улкан бир соҳиби тадбир асос солган. Бекиёс бир моҳир кўл аниқ мақсад йўлида тартиб берган. Аммо ҳаммаси қачон ва қай лаҳзада содир бўлди? Миямизда такрор-такрор чарх урувчи бу саволларга дostonда шундай жавоб изланади:

...Қачондир қачоннинг қачони қачон...

Шоир поэтик нигоҳи дастлаб нарсаларнинг кўрилган зоҳирига, сўнгра инсон тафаккури ёрдамида акс эттириш мумкин бўлган ички моҳиятига қаратади. Лирик қаҳрамон фикрича, мавжудлик инсон ақли билан қамраш мумкин бўлган рационаллик эмас. Мавжудликни мантиқий хулосалар ва ҳатто ҳиссий ҳодисалардан ҳам келтириб чиқариб бўлмайди. У одам боласи борлиғида мумкин эмас. Яъни, олабий ақл соҳибига нисбатан, ақлан қанчалик чекланган бўлмасин, ҳар бир инсоннинг ўзи ҳам алоҳида борлиқдир.

... Йўқлиғида пайдо бўлган бўлганинг бўлган борлиғи, не эрса-да мавжуддир.

Бинобарин, алоҳида шахсиятда ибтидо, бугун ва интиҳо бирлашган. Одам — интиҳоли мавжудлик бўлиб, у ўз тарихи ва тақдирига эга. Мазкур “тарих” марказига: уч сўз битилган: “интиҳолик”, “қайтарилмаслик” ва “тақдирдан ажралмаслик”.

Борлиғида пайдо бўлган бўлганинг бўлган йўқлиғи, не эрса-да нобуддир.

Демак, барча сирлар мавжудликнинг ўзида мумкин. Инсон ҳаёти ўлим билан тугамайди. Аксинча, ўлим бу — бошланғич ҳолат. Унинг моҳиятини масъуллик ҳисси тўлароқ очиб бера олади. Бошқачароқ айтганда, мавжуд одам бу — масъул одам. Зотан, у қандайдир жонсиз буюм эмаски, ўз борлиғи-ю мавжудиятининг сабаблари — бош асосини изламаеса.

Ўзлиғида пайдо бўлган бўлганинг бўлган ўзлиғи, не эрса-да ўзликдир.

Инсон тасодиф махсули ҳам, жўн ўткини ҳодиса ҳам эмас. Борлик ва йўқликда қандайдир моҳият, барча муносабатларда гармоник тизим бўлиши муқаррар. Агар илк

моҳият бўлмаганида, ҳеч нарса мавжуд бўлмасди. Бинобарин, ҳар қандай борлик муайян нуқтадан ибтидоланади. Яъни, биз беҳад қудратли ва абадий индивидуал борлик иродасига кўра мавжудимиз.

Шоир лирик қаҳрамонида масъуллик туйғуси шу қадар юксакки, у ҳатто табиий ҳодисаларга-да умуминсоний дахлдорлик туйғиди, Умуминсоний манфаатларга зид келувчи барча ижтимоий ҳодисаларни инкор этади. Унинг титроқ қалби замин гарди, само зарраси ва уммон қатраси эзлиши, узлиши, сиркишига вобаста тарзда осонгина жароҳатланади. Шу боис “кангул”нинг ўзлик аталмиш оламида ногаҳоний тузалмас дарз пайдо бўлади. Ажиб силкинши, титраниши, тўлғониши, қалқиниши ва ҳатто лопиллаш содир бўлади:

... Заминнинг бир гарди эзилса мабод, мабод бир зарраси узилса осмоннинг, сирқиса уммоннинг мабод бир томчиси, бамисоли, бир нахсаси лат еб, дарз кетиб,

девори ёрилган иморат тахлит силкинди, титранади, тўлғанади, қалқинади, лопиллайди олам...

Кўринадики, гард, зарра ва томчилардан таркиб топган олам биноси яхлит тарзда ижодкор инсон қалбига туташ. Демак, шоир барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектик жувлтигига эътибор қаратиб, мавжуд ҳолат (муайянлик)нинг ўзгаришига хос ҳаракат симптомларини излапти. Мухими шундаки, у ҳодисанинг маънавий ва гоёвий жиҳатларини тафтиш этмоқда. Осмон, Уммон, ва Заминда содир бўлувчи энг кичик механик, физик, кимёвий, биологик ўзгаришларни инсонга нисбатан олиб қарамокда. Яъни, уларни ижтимоий-маънавий жараёнлар билан чамбаранс уйғунликда поэтик таҳлил этмоқда.

Асосий ҳаракат кечаётган ҳудудлар сифатида биз шоирнинг: тафаккур (фикрда кечаётган тушунчалар), информация (онгда йилган ахборотлар), маънавий (қадриятлардан куч олувчи гоёлар), хаёл (поэтик мушоҳадалар), ҳиссий идрок (тахайюл) сингари фаол ҳаракат қилаётган тизимларини белгилай оламиз. Бу ҳаракатларнинг манбалари эса зоҳиру ботин ўртасидаги мураккаб алоқадорлик негизида илганади.

И.Отамурод оламу одам асрорини англаш учун тарих бугун ва келажакни яхлит нигоҳ билан тафтиш этади. Шоирнинг фикрича, ЗАМИН, ОСМОН ВА УММОНда мислсиз ўзгаришлар — бало-ю офатлар келиб чиқишига одам боласининг нафс илинжидаги турфа эврилишлари, она табиятга бўлган ҳўжасизларча истеъмолчилик кайфияти ва лоқайдлиги боис бўлган.

Одам ва олам қисмати лаҳзаларда ҳал этилади. Инсон оний лаҳзани қадрласа, ҳамиша тўри йўл-йўриқ топади. У ростгўйлик, Ҳақ ва ҳақиқат томонида бўлади. Оламу одамга дахлдор бутун бор-

лиқни асраб қолади. Аксинча, лаҳзалик умрга жиддий муносабатда бўлмаса, ёлғон ва ноҳақликлар урчиши оқибатида бутун коинот ҳамда унинг гултожи бўлган инсоният ҳам йўқлик саҳросига юз тутади.

И.Отамурод наздида инсоннинг иккита географияси мавжуд. Улардан бири — киндик қони тўкилган макон, иккинчиси — кўнгил географияси. Олам инсон нигоҳига кўра идрок этилади. Агар, қайсики кўнгил кенг бўлса, дунё ҳам шунга мутаносиб тарзда кенгайди.

Зотан, теран идрок кишиларига аёнки, ҳар нарсанинг ўз ўлчови, тошу тарозуси бор.

... Улчов — қадам ... Улчов — кулф ... Улчов — қалит ... Улчов — чизик ... Улчов — масофа ... Улчов — йўл ...

Икки томондаги кўпнуқталарга аҳамият берсақ, улар худди олис йўлнинг босиб ўтилган ва ўтила-жақ масофасига тегишлидай туюлади. Мисраларнинг ўрталик масофада туриши эса изтироб, соғинч ва хотиралар куршовидаги одамни эслатади. Унинг келажакка қадалган меҳрга лиммо-лим нигоҳидаги маъноларда умид, илхос, ғурур, сидқ, вафо шеvasи акслангандек гўё.

Афсуски, олис сафарга чиққан ҳар бир суворий ҳам муҳлат отини елдириб бораётгани, тинмай хезлаб, хезланиб талпингани бор йўғи кўпкари йўғини эканини англармайди? Масофа босиб ўтилган кезде бошланажак сукунатни олдидан илгармикин? Навбатдаги шовқин ҳам шу тахлит давом этажги ва энди унинг ўзига мулқла дахлсиз бўлишидан огоҳимикин?

...Хаёл — чизилмаган тасаввур... Хаёл кемаси чайқалиб-чайқалиб, лопиллаб-лопиллаб, тўлғониб-тўлғониб сузди, урилади жавоабнинг гардон-гардон тўқиллирига...

Шоирнинг хаёл ва тасаввур кенгликларидида юқоридида кузатганимиздек ҳазойин ул-маоний яширин. Лирик қаҳрамон ўз ўқсик қалби, ҳўрсиниқлар кўйқаси чўккан кўнгли, дардли тўғёнлар чулғанган тахайюли, шамолдай юғриқ хаёллари, залворли армонлари шу Ватанинг азиз тупроғи, зилол сувлари, эркин шабадалари билан вобаста бўлиб, мисли ёмғир томчиларидай кўйилиб келади. У гиёҳлар майсалар, гуллар; янтоқлар, жинжақлар, юлғунлар; кўзигуллар, шўрлар, тошлар; қир-адирлар, ариқлар, тепаларга бирдай тўкилади. Саналганларнинг барида ажиб синопат кўради. Инсон ва инсонияти шу асрдан огоҳ бўлишга чорлайди. Шоир “кангул” оламида офатлар келиб чиқишига одам боласининг нафс илинжидаги турфа эврилишлари, она табиятга бўлган ҳўжасизларча истеъмолчилик кайфияти ва лоқайдлиги боис бўлган.

Одам ва олам қисмати лаҳзаларда ҳал этилади. Инсон оний лаҳзани қадрласа, ҳамиша тўри йўл-йўриқ топади. У ростгўйлик, Ҳақ ва ҳақиқат томонида бўлади. Оламу одамга дахлдор бутун бор-

Исломжон ЁҚУБОВ, филология фанлари доктори.

1 Отамурод И. Жадвал. Шарҳ юлдузи // 2016 йил, 2-сон. —Б.: 35-45.

Самарқанд вилоятидаги Маърифатпарварлар жамияти

21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганга ўттиз йил тўлиши муносабати билан барча Ватандошларни табриқлайди.

Тарихи минг-минг йилларга бориб тақаладиган, дунё илм-фани, маданияти тамаддунига маёқ бўлган улуг тилимиз байрами барчамизга муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Реклама ҳуқуқи асосида

► Дунёда нима гап?

«КАПИТУЛЯЦИЯНИ ТЎХТАТАМИЗ!»

«Интерфакс» хабарига кўра, Киев марказидаги Мустақиллик майдонида Донбассинг алоҳида мақоми ҳақидаги қонуни қабул қилинишига қарши норозилик акцияси бўлиб ўтмоқда.

«Капитуляцияни тўхтатамиз!» шиори остидаги митингга 10 мингга яқин киши тўпланди.

Норозилик акцияси иштирокчилари «Штайнмайер формуласи» — Донбассга алоҳида мақом бериш ва Украина қўшинларини ажратиш линиясидан олиб чиқишига қарши чиқмоқда. Киев марказида митингга тўпланганлар мамлакат расмийларининг мазкур қарорини «капитуляция» ва миллий манфаатларнинг бой берилиши деб баҳоламоқда.

НОҚОНУНИЙ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ЯНГИ ҚОИДА

уриб юбориб, сўнгра мамлакатдан чиқиб кетишга муваффақ бўлгандан кейин шундай қарорга келинди.

Унда Жанубий Корея адлия вазирлигида ноқонуний муҳожирлар оғоҳлантиришсиз мамлакатни тарк эта олмасликлари айtilган. Янги қоида 14 октябрдан кучга кирди.

Автоҳалокат 18 сентябрда юз берган. Болани уриб юборган автомобиль воқеа жойидан бир неча километр узоқликдан топилган. Боланинг отаси гумонланувчи воқеанинг эртаси куни Инчхон аэропортидан учиб кетганини, буну унга полицияда маълум қилишганини маълум қилган.

«GENERAL MOTORS» ХОДИМЛАРИ ИШ ТАШЛАШДИ

«Голос Америки» наشري хабарига кўра, АКШнинг «General Motors» компанияси 3 ҳафтадан бўён 50 мингга яқин ишчиси маомлар оширилиши ва иш шароитларини яхшиланганини талаб қилиб намойиш ўтказмоқда.

Ходимлар 15 сентябрдан бўён ишларини тўхтатган. Ишчиларнинг айтишича, компания миллионлаб доллар даромад олмоқда, лекин иш ҳақларини оширмапти.

Компания раҳбарияти уларнинг дашномларини рад этмоқда.

Бу митинг компанияга қарши 50 йил ичидagi энг йириги ҳисобланади.

ТОЖИКИСТОН ҲАМ ТИЛГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон Рудакий номидаги тил ва адабиёт институтига тожикча имло дугатини 2020 йилга қадар такомиллаштиришни топширди.

5 октябрда миллий тил қунига бағишланган ишраувада президент тожик зиёлиларига қарата «40-50 йил олдин ёзилган грамматика хозирги кунда илм-фан ва бугунги давр талабларига жавоб бермайди. Тожик тилидаги имло ва тушунмовчиликнинг сабаби бу — янги тил қўлланмасининг йўқлиги ва эски грамматикага ишонишдир», деди.

Шунингдек, Тожикистон раҳбари «тожик тилининг академик грамматикасини яратиш учун қадимий ва замонавий манбалар асосида тожик тилидаги барча сўзларнинг электрон каталогини олиш зарурлигини уқтирган.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИКОВ тайёрлади.

Термиз — Тошкент трактининг, Бойсун тумани чегарасига етмай, ғарб томонида бир машина сиғадиган тош йўл Кўхитанг тоғ этакларига қараб кетади. У арчазорлар орасидаги Хўжа Анқо қишлоғига олиб боради.

Айтиш жоизки, мазкур ҳикоя мақсади — қишлоқ тарихини ёритиш эмас. Аммо мавжуд манбаларга таяниб анқо сўзининг луғавий маъносини изоҳласак, фойдадан холи бўлмайди.

Сув париси Эссе



Бу сўз асли ҳеч қаерда йўқ нарсани билдирар экан: "Анқо (...куш; самандар). Оти бор, ўзи йўқ афсонавий куш. (Гўё афсонавий Коф тоғида кушларнинг подшоҳи бўлиб яшар эмиш) (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — 5-ж. 1-ж. 89-б.). Тилимизда "анқонинг уруги" деган ибора бор. Нимадир мутлақо топилмади қолса ишлатилди. Бундай нарсалар эса ҳаётда кам эмас. Алалхусус, ноёб ёки камёб хислатларга эга бўлган Хўжага Анқо нисбати берилган бўлиши керак. Қишлоқ номи ҳам шундан. Хўжа деб илгарги бизда "маълум имтиёзга эга бўлган оқсуқлар ва уларнинг авлодлари"ни аташган (ўша манба: 435-бет).

Африка, қўшни Авгонистондан ҳам олимлар иштирок этгани эсимда. Ҳақиқатанам бироз юқори кўтарилган, манзилга етиб келди: уч-тўрт мажнунтол бир-бирига қўшилиб ўсган. Қамчи-қамчи шохлари худди чиройли аёл сочларидек атрофига қайрилиб яйралган. Бошқаларига нисбатан каттароқ туолган мажнунтол ёнида бир ариқ сув жўшиб, килкиллаб чиқиб, минг, балки миллион йиллардан буён пастдаги сойга қараб шарқираб, шариллаб оқиб ётибди. Бошқа бир мажнунтолнинг тағидан чиққан кичирок жилга унга бориб қўшилди.

Газета услуби билан айтганда, Хўжа Анқо вилоятнинг энг сўлим ғўшаларидан бири. Шу ерлик бир машур профессор анча йиллар бурун ўз қишлоғида халқ педагогикаси мавзусига бағишланган илмий анжуман ўтказгани, унда Америка,

Кенгача Хўжа Анқога етиб келдик. Жаннатмакон оромгоҳ биносининг алоҳида-алоҳида хоналарида дам олдик. Кўёш бу ерда барвақт чиқар экан. Бегубор мовий кўйда сахархез қушлар — бургут, қийғир, зогча ва

бормоқчи эмасмиз. Фақат Хўжа Анқо чашмасини кўрсак бўлди, дейман унга. "Оз қолди. Яна сал юрсаларингиз, рўпарангиздан чиқадим".

Ҳақиқатанам бироз юқори кўтарилган, манзилга етиб келди: уч-тўрт мажнунтол бир-бирига қўшилиб ўсган. Қамчи-қамчи шохлари худди чиройли аёл сочларидек атрофига қайрилиб яйралган. Бошқаларига нисбатан каттароқ туолган мажнунтол ёнида бир ариқ сув жўшиб, килкиллаб чиқиб, минг, балки миллион йиллардан буён пастдаги сойга қараб шарқираб, шариллаб оқиб ётибди. Бошқа бир мажнунтолнинг тағидан чиққан кичирок жилга унга бориб қўшилди.

Сойнинг нариги бети хамлик, ўтлоқзор. Ён томонларида бўйлари осмонга чўзилиб кетган тигиз арчалар. Хамлик — адир этагида қандайдир қорамтир тошлар — тўда-тўда шлаклар кўзга ташланади. Ҳақиқатанам анжуманда маҳаллий тарихчида темир рудасини казиб олгани ва қайта ишлаб, оту туяларга ортиб олиб кетгани ҳақида маъруза қилганди. Бундай қирралар ўткир, куйдирилган тошчиқиндиларни мен Хисор тоғ тизмаларининг бошқа худудларида ҳам кўрган эдим.

Чашмага етганимизда, мажнунтоллар яқинида иккита "Жигули"га кўзим тушиб хайрон бўлдим. Бу машиналар қаердан келиб қолди экан? Ё осмондан тушди? Қишлоқдан бу ерга-чаканга қўйилганми? Балки менинг кўзимга шундай кўри-наётгандир, галлюцинация дегандай. "Ана у турган нарса машиналарми ё менинг кўзимга кўринаётганими?" сўрадим ўғилларимдан. "Жигули"лар, дада. Яп-янги", деди каттаси. Мен диққат билан ён-атрофни кузата бошладим. Қаршимизда тоғ боғрини кесиб "Термиз — Тошкент" тракти томондан Хўжа Анқо чашмасигача шағал ётқизилган мошин йўл чўзилиб ётарди. (Эҳтимол, бу йўлни геологлар қўрган). Чашма бўйи-га биздан олдинроқ етиб келган ўзимизнинг "сайёҳ"лар мазза қилиб сув ичишар, худди болакайлардек бир-бирига муздай сув сепишар, завқи тошиб гоҳ ҳеч қандай маънога эга бўлмаган товушлар билан чиқаришарди.

Улардан пастроқда, шарқираб, шовуллаб сойга отилаётган ариқ бўйида бир мажнунтол тағидида салқин суяда икки аёл ва икки аркак тўшақлар устида, тўкин-сочин дастурхон атрофида дам олишарди. Сал нарироқда, жилга ёқасида икки нафар буй етган, юзлари қизил олмадек қизлар гурунглашиб ўтирар, улардан бирининг боши, ияги, қўллари алланечук

харакатланарди. Аввалига бу қиз шўх, ўзи бирор фильм қаҳрамонига тақлид қилиб, унинг ҳаракатларини ёнидаги опасигами — дугонасигами тасвирлаб беришга, деб ўйладим. Аммо у бир зум тўхтагач, яна танасининг бошқа аъзолари — қошлари, лаблари, қўллари ҳам учар, ҳар томонга қараб ҳаракат қиларди. Сўнг у чўнкайиб ўтирган жойидан турди-да, бир-икки қадам босди. Ҳаракатлари худди бешиктерватарнинг тебранишига ўхшарди: гавдаси олдга, орқага бориб келарди. Тўшунари. Ногирон туғилган фарзанд. Ёнидаги опаси бўлса керак, деб ўйладим. (Аммо улар бир-бирига мутлақо ўхшамасди).

Табиат-да! Аллоҳнинг ўзи асарин. Ўғилларим кўк тошларга урилиб, кўлик сачратиб оқаётган чашма сувларига юзларини ювиб, ундан ҳовучларини тўлдириб-тўлдириб ичишар, завқланишарди: "Яхши қилган эканман бирга олиб келиб!" деб ўйладим. Мен ҳам қўлларимни зиллол сувга ботириб, ҳовучлаб ичдим. Яхдай сув тишларимни зирқитиб юборди.

Мажнунтол остида, супада ўтирганлар мени дастурхонга тақлиф қилди. Мен: "Йўғ-э, ўзларинг бемалол ўтираверинглар", дедим. Улар қўйишмай-ди. Сухани синмасида деб, ёнларига бориб омонат ўтираман. Дастурхонда тандирқабоб, мевачева, "Белый аист" ("Оқ лайлак") коньяги, шоколадлар...

- Қизлар ўғлим билан гурунглашарди:
— Отангизми? — сўрайди опаси.
— Ха.
— Ойлада неча кишисизлар?
— Кўпчиликми. Икки қиз, тўрт ўғил. — жавоб беради катта ўғлим.
— Акаларингиз мактабни битирганими?
— Ха, улар ўқишади. Иккови ҳам студент.
— Термиз уиверситетидими?
— Йўқ, Тошкентда.
Энди сўраш навбати ўғлимга келди:
— Сизлар ҳам Термизданми?
— Термиздан, — дейди сазвол берган қиз.
— Ўтирганлар ота-оналарингизми?
— Йўқ, Ойимларнинг яқин дўстлари?
— Оталаринг келмадими? — сўрайди хайрон бўлиб ўғлим. Бола-да.
— Отамиз йўқ. Бор эди. Уйимизга келмай қўйдим. Неча йил бўлди, кўринмайди! Онамдан сўрасак, "Ўлиб кетган" дейди.
— Қизингиз кўзларида ёш қалқитди.
— Ха-а, — дейди ўғлим ғамгин, — ёмон бўпти.
Мен болаларга яқинроқ бўлганим туфайли гапларини

ариқ шовқинида элас-элас илқаб олардим. Супадаги йигитларнинг бири чорпахил, басавлат, қорачадан келган, пешонаси кенг, лаблари ҳабаш лабларидай қалин, бошланг, чорзону қуриб ўтирибди. Иккинчиси қўмароқ, бўйи ҳам сал пастроқ туюлди менга. У ёнидаги малласоч сув парисидек аёлга суюниб, сигра-рета чекарди. Олдида бир қуту "Palmal", ёнида гуртурти билан. «Сув париси» малла, қалин сочларини елкасига ёйиб ташлаган, қўқлариди ярим ойни эслатувчи зирак ярақлайди. Бўйидаги ҳар бири бошбармоқдай келадиган тилла мунчоқлар тизилган занжир ярами очик қордек сийналари орасига ташган. Силлик юзлари, ёноклари кўпчиб, лаблари ол-хўридай буртиб турибди. Нафис, шаффоф кийимларидан бўйни, кўкракларини шундайгина ўзини кўз-кўз қилади: "Мана мен, қара, мафтун бўл!" — дегандай.

Иккинчиси ўзимизнинг бугдойран зотдан. Қўнғир, жингалак сочлари қулоғу бўйинларини беркитиб олган. Билаклариди отнинг тақасиди олтин билақузук. У ҳам "сув париси"дан қолишмай безанган.

Аёлларга шампан, ўзларига коньякдан қўйишади. Менга ҳам узатишади. "Йўқ" десам, уларнинг кўнгли қолади. Пиёлани оламан. Малласочнинг ошиғи, ширакайф йигит бир қўлида тутатган сиргача, бир қўлида кўк билан сўз айтиди: "Аллоҳ берган ҳар бир қўнимиздан баҳраманд бўлайлик, роҳатланайлик, чунки уни ҳаётда ҳеч ким қайта бермайди. Бизга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас", деган экан бир шoir. Олдик ака, соғ бўлайлик". У пиёлани охиригача сипради. Мен бир қулчум оламан-да, идишни дастурхонга қўяман. "Пассивсиз-ку, ака мана шу дилбар табиат бағрида машаққат қилмайсизми?" қулади иккови шоколадлардан олиб. Мен ариқ бўйида гурунглашиб ўтирган болакайларга ишора қиламан: "Булар олдида, Худо кўрсатмасин, маст бўлиб қолсан..." "Безовта бўлманг, — дейди тост айтгани, — ўзимиз машинада уйингизгача обориб қўямиз". "Уфат йигитлар экан-ку булар", деб ўйлайман.

Хамкасбларим арчазорлар орасидан чиқиб келишади. Булоқ сувларидан яна қониб-қониб ичишади, юзларини ювиб яхлатади, яна бир-бирига ҳазил-хўзул қилиб сув сепишади, қий-чўз қилишади, айниқса, шу йил ўқишни битириб, ишга келганлар, компьютерчи, котиба ёшлар. Улардан ёши сал каттаири: "Бас қилинлар, бу ердан етиб борганимизга туш бўлиб қолади. Шеддан гап эшитмайлик!". Шундан сўнг тур-

нақатор тизилиб келган йўларидан болалар оромгоҳи томон эса бошлайди. "Ака, сиз ҳам кечикманг, палов тугаб қолади", дейди боғчи ёшларни йўлга солган ҳамкасбим қулиб. — "Хўп", дейман-да, жойимдан кўзгаламан. "Яна бир қўл олайлик, кейин сизга рўхсат", илтимос қилишди тасодифий улфатларим. Қўнғим бўш бўлмайдир кетсин-а! Қайта жойимга ўтираман. "Дада, кетдик!" дейди катта ўғлим, қайтиб ўтирганми унга ёқмай. Улфатлар аёл-эркак ҳам бўлиб, яхши тилақлар билан пиёлаларини бўшатдилар.

— Раҳмат эйтиборларинг учун, — дейман қўлимни кўксимга қўйиб. Энди мен турай. — Хозир биз ҳам турамиз... Хонимлар билан хува нави қалин арчазорларни айланиб келамиз. Қизалоқлар шу ерда, тол соҳида ўтиришади. Палатка (чоҳир) обкеганимиз. Ёқса, бу кеча шу ерда, супа устида тунашимиз ҳам мумкин. Тарихда қоладиган саёҳат бўлади-да, ака!

— Майли, дам олишларинг кўнглидагидай ўтсин, — дейман, — соғ бўлинглар... Мен ҳам жўшиб оқаётган ариқдан ўтиб, ўғилларим билан оромгоҳ томон жўнайман. Кетарканман, бурилиб тасодифий улфатларимга қўл силқийман. Қизлар ҳам жилга бўйидан туришади-да, дастурхон атрофига келиб ўтиришади. Боши гоҳ олдин, гоҳ орқага бориб келатган, ногирон дейимизми, қизалоқ кўлига дастурхондан егулик олдиб озгига яқинлаштиради. Қўллари қалтиради, озгига қўли етай-етай деганда, боши ё унга, ё чагга бурилиб кетади. Охири қўлидаги егуликни озгига солиб, бир амаллаб чайнай бошлайди.

Опаси унга ғамгин қаради: нима қилмасин, синглисига ёрдам бера олмаслиги, дарди-га даво бўлолмаслигидан изтироқ чекарди, хўрсинади. Сув парисидек гўзал онасининг малларанг сочлариди мажнунтол баргани орасидан сочилган қўёш тангачалари жилланади, ширакайф қўзлариди эса ҳеч қандай ташвиш сезилмайди, хотиржам. Унинг учун бу оламда туш ондаги кайфу сафодан бўлақ ўйлашга арзийдиган ҳеч нараси йўқдай: "Куйинг, яна биттадан олайлик, кейин арчазор томон кетайлик", дейди нозланиб ва пиёлани унга суюниб ўтирган ошиғига узатади. — Мен сўнги бор мажнунтол томон қарайман: катта қизи она-сига нимадир дептандай кўри-нади. Аммо нима деганини илғай олмайдим. Ариқ шовқини ҳам биздан узоқлашиб боради, охири эшитилмай қолади... Бозор Илёс ал-АМИН.

Луқма

Бизни йўқлаб қишлоқдан пойтахти азимни кўриб кетиш мақсадида келган қариндошларимизни ишдан кейин шаҳар томошасига олиб чиқадиган бўлдим. Ранг-баранг чироқлар билан шаҳарнинг жозибадорлиги янада ошадиган манзилларни кўз олдимга келтириб, меҳмонларни пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасига бошладим.

Сайилгоҳ кўчасига...

Маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар билан доимо гавжум Тошкент шаҳридаги ушбу маскан кундан-кунга чирой оқаётганини эътироф этмай илож йўқ. Соат кечки 19-20°лар оралағи. Сайилгоҳ кўчасида ҳар қанонгидан ҳам ҳаёт қайнаган. Талабалар, фарзандлари билан сайрга чиққан ота-оналар, севишган ёшлар-у, қариялар, хуллас, бу ерда ҳаммаётин барча қатлами учратилар мумкин. Атроф гўзал тус олиб, замонавий ўриндиқлар билан бойитилган. Кўрган одамнинг баҳри дили очилади, аммо бироздан сўнг, таъбиимизни хира қиладиган вазиятларга дуч келдикки, буни қаламга олмасликнинг ҳам имкони йўқ. Сайилгоҳнинг нақ "юрағи"да ўзини "замонавийман" деб атаган балогат ёшдагилар енгил-елпи қўшиқларга монанд рақсга тушаётгани хайрон қолдирди. Ажаблантирган, улар орасида эртанин битта оилани гуллата оладиган Барчиноидек сулув ўзбек қизлари ҳам бор. Ҳаммининг нигоҳини ўзига қара-

тиб, беҳаё рақс тушишига қараганда бу ҳол уларга одатий. Қизларнинг рақсдаги ҳаракатларидан, очиги, ёнимда турган қариндошларимдан уялдим. Биз-ку, бунақа ҳолатларга ора-сира дуч келамиз, аммо эндигина пойтахтнинг нафасини ҳис қилаётган ҳамқишлоқларим кўзини қаёққа олиб қочишни билмай қолди. Йўлда чарчагандирсиз деб, уларни ўриндиқка чорладим. Лекин энг сўнги урфда ясалган ўриндиқларга ҳам ёшларимиз шу қадар "маъноли" сўзларни ёзиб-чишиб кетишганки, хайратдан ёқа ушлайсиз. Ўриндиқнинг атрофи турли хил рангларда ёзилган туғриксиз номаларга, ишқ изҳорларига тўлиб кетган. Яқиндагина шу замонавий ўриндиқлар сайилгоҳнинг энг кўп ташриф буюрадиган манзилларга ўрнатилганида ҳамкасбим билан фахрланиб "Бўларкан-ку", деганимиз кечагидек ёдимда. Бугун эса... Аслида кўрганларим ҳолва экан. Хиёбондаги фавворалар атрофи, кичик ариқлар елим идишлар ва

ширинлик қоғозлари билан тўлиб тошган. Йўқ-са ҳар қадамда ахлат қутилари турибди. Бирок инсонлар сайр қилиб, маданий ҳордиқ чиқарадиган маскан узра уюм-уюм чиқиндилар йиғилган. Бейхотиёр хаёлингиздан: "Наҳотки инсонлар шу даражага борса? Чиқиндини махсус идишга жойлашга ҳам фаросат ённки маданият етишмаса буларда?" деган орқиқи ўйлар кечади. Хорижий давлатлар кўчаларининг фаровонлигига ҳавас қилишимизни матбуот орқали бот-бот билдириб тура-ди. Аммо ўзимизда унданда яхши шароитлар яратилганида қадрлай олма-ямиз. Ободончилик ишларига қанчандан-қанча маблағ-у, пешона тери сарф қилинганини наҳотки бугунги ёшлар ҳис қилмаса? Ўз ор-номусини арзон рақслар билан тўкаётган қизлар-чи?

Эртага улардан намунали уй бекаси чиқишига ишоним мумкинми? Фарзандини қаерда, кимлар билан юганини билмай, дарди фақат моддий бойлик бўлиб қолган кўчадаги "кўча қизлар"-нинг ота-оналари эртага афсус қилиб қолишмасмикан?... Ёки тавба, тавба дейликку, бундайларнинг ота-оналари ҳам инсонийликда фарзандларидан эш эмасмикан? Қайдам. Олманни тағига олма тушади дейишадим! Тонг сахарлаб ота-онамиз тенги ёши улуг фаррошларнинг кўча супуриб юрганини ҳамма кўради. Аммо ҳозирги анча-мунча ёшлар ҳаётга шунчалар бейфарқи, уларнинг меҳнатдан қорайган қўллари заҳматини ўзида ҳис қила билмайди... Феруза РАҲИМОВА.

Мулоҳаза

Файбуллоҳ ас-Салом

ФИКР ВА ЗИКР

Тилинг ғариблиги — тафаккурнинг қашшоқлигидан.

Тилинг бўлмаса, гапириб нима қиласан?

Тили бузганлиги учун жарима тайин этиш керак. Ана ўшанда ҳозир турнақатор бўлиб босилиб чиқаётган юзлаб китоблар, рисоалар таққа тўхтайдилар. Одамларнинг қўлоғи тинади. Қоғоз тежалади...

Ўзбек тили ҳақида ёзувчи киши ёзувчи бўлиши керак. Бу билан тил ҳақида... роман ёзилсин, демоқчи эмасман. Демоқчи-манки, ўзбек тили ҳақида ўзбек тилида ёзиш зарур. Токи бизнинг ёзганларимизни «таржима» қилишга тўғри келмасин.

Тилимиз ҳам, ўз таркибида кўра, «Пахтакор» командасига ўхшаб қолган.

Ўз тилида хиргойи қилиш нималигини билмайдиган, ўз тилида ўз дилбандига ала айтолмайдиган, ўз тилида дуойи хайр айтолмайдиган, муножот, нидо қилолмайдиган ва ҳатто ўз тилида... туш кўролмайдиган бирталай одамлар пайдо бўлди!

«Мен сув ичган дарёлар» китобидан.

Table with contact information for HURRIYAT newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.